

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

№ 27 (1206) 2019 йил 18 июль

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

@bank_axborotnomasi

Сайтимизга ўтиш учун QR коддини телефонингиз орқали сканер қилинг



Мамлакатимизда банклар ўртасида ошиб бораётган рақобат шариоитида қулай жойларда хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этиш ва миждозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш тижорат банклар ривожининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб бормоқда.

Хусусан, Ўзмилийбанкнинг "2019-2021 йилларда ривожланиш стратегиясида" айнан миждозлар учун қулай ҳудудларда хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этиш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Шу сабабли, банк хизматларига бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда Ўзмилийбанкнинг хизмат кўрсатиш марказлари тармоғини кенгайти-

ЎЗМИЛИЙБАНК: МАҚСАД БАНК ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШ



риш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда.

Бу ҳақда 16 июль кунин Ўзбекистон Ташқи фаолият миллий банки Бош бина-

сида "Ўзмилийбанкнинг аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича янги хизматлари" мавзусидаги матбуот анжуманида қайд этиб ўтилди.

Унда банк раҳбарияти ва ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Ўзмилийбанк

бошқаруви раиси ўринбосари Баҳодир Жалилов кириш сўз билан очиб берди.

(Давоми 2-саҳифада)

БАНК МИЖОЗЛАРИ УЧУН WI-FI ЗОНАЛАР

ТАДБИР

Мамлакатимиз молия-банк тизимида етакчи ўринларга эга бўлган "Агробанк" акциядорлик тижорат банки томонидан аҳоли ва банк миждозларини, шунингдек, кичик бизнес субъектлари ҳамда фермер хўжаликларини тезкор, ишончли, инновацион банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга катта эътибор қаратиляпти.



Яқинда "Агробанк" АТБ томонидан "Чакана хизматларни ривожлантириш бора-сида амалга ошириляётган ишлар" мавзусига бағишланган матбуот анжуманида ана шу ҳақда сўз борди. Унда "Агробанк" АТБ Бош офисининг раҳбар ва ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда "Агробанк"нинг 950 дан ортиқ инфрату-

зилма шохобчалари, яъни 178 та филиал, 208 та минибанк, 95 та махсус касса, 226 та валюта айирбошлаш шохобчаси ва 246 та халқаро пул ўтказмалари шохобчалари орқали 223 мингтадан ортиқ юридик шахсларга ҳамда 2,5 миллиондан ортиқ жисмоний шахсларга кенг турдаги банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Яқинда "Ўзгросуғурта" компаниясида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда белгилаб берилган вазифаларни амалда бажаришга қаратилган "Ўзгросуғурта" АЖнинг Ишчи гуруҳи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда халқаро ҳисоботлар шакллари жорий қилиш, халқаро рейтингни олиш, конференциялар ва форумлар ташкил этиш, шунингдек, суғурта соҳасида хусусийлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

АНЖУМАН

СУГУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИБ...



Йиғилишда таъкидланганидек, суғурта хизматлари иқтисодийётни турли хил молиявий хатарлардан ҳимоя қилувчи воситалардан биридир. Аммо мамлакатимиз молия бозорини суғурта хизматларининг ўрни ҳозирча етарли эмас. Мисол учун, жорий йилнинг олти ойида суғурта ташкилотлари томонидан йиғилган суғурта мукофоти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар ошган бўлса-да, суғурта тушуми аҳоли жон бошига 50 минг сўмдан тўғри келмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

167 МЛРД. СЎМ
МИҚДОРИДА
БЮДЖЕТ
ИНТИЗОМИ
БУЗИЛИШИ
ҲОЛАТЛАРИ
АНИҚЛАНДИ

→ 3



ХОТИН-ҚИЗЛАР
ТАДБИРКОРЛИГИГА
100 МИЛЛИАРД СЎМ

→ 5



АҚШ
ИҚТИСОДИЁТИГА
БИР НАЗАР

→ 7

(Бошланиши 1-саҳифада)

Тадбирда банк томонидан шу кунгача чакана хизматлар борасида эришилган натижалар ва режалар хусусида "Агробанк" АТБ Бошқаруви раиси ўринбосари Илёс Аманов сўз олиб, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, банк томонидан аҳолига қарийб 2,4 миллионга пластик карта етказиб берилган ҳамда амалиётдаги халқаро пластик карталар сони жорий йилнинг 6 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,1 баробарга ўсганини таъкидлади.

Шунингдек, аҳоли ва хорижий сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида банк кассалари, валюта айирбошлаш шохобчалари ҳамда конверсион бўлимларда "Visa" халқаро тўлов карталарини қабул қилувчи 400 дан ортқ терминал ўрнатилди.


Бундан ташқари, банк томонидан мижозларнинг даъромаларини ошириш мақсадида ҳозирги кунда жами 7 турдаги омонат, шундан 5 та миллий ва 2 та хорижий валютадаги омонат турлари тақдим этиб келинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври

мобайнида мазкур омонатлардан жалб қилинган маблағлар 1 068,1 миллиард сўмни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич йил бошига нисбатан 258,3 миллиард сўмга ёки 131 фоизга ўсган.

Шунингдек, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига халқаро пул ўтказмалари айланмаси 456,5 миллион АҚШ доллари, шундан хорижий давлатлардан юртимизга жўнатилган валюталар миқдори 437,7 миллион АҚШ долларини, Ўзбекистон Республикасидан хорижий давлатларга юборилган валюталар миқдори эса 18,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Шу билан бирга юртимиз бўйлаб пул ўтказмаларини тез ва қисқа фурсатда амалга оширишни ташкил этиш мақсадида "Агробанк"нинг барча филиаллари орқали юртимизнинг бир ҳудудидан бошқа ҳудудига миллий валютада пул ўтказмалари имкониятини берувчи "Агро-экспресс" хизмати жорий этилган.

БАНК МИЖОЗЛАРИ УЧУН WI-FI ЗОНАЛАР



Қолаверса, банк томонидан масофавий хизматлар кўламини кенгайтириш мақсадида йўлга қўйилган "Agrobankmobile" иловаси ҳам мижозлар ишончини оқламоқда. Буни ундан фойдаланувчилар сони ортиб бораётганидан ҳам билиш мумкин. Бугунги кунда мазкур иловадан фойдаланаётганлар сони 242 мингга етгани фикримиз тасдиғидир.

Айни дамда банк мижозлари "Agrobankmobile" иловаси билан солиқ ва божхона, коммунал, уяли алоқа ва шаҳар телефонлари, интернет ва телевидение, мактабгача таълим муассасалари ҳамда суғурта хизматлари учун тўловлар ҳамда жорий йилда йўлга қўйилган янги хизмат турлари – онлайн микроқарз, онлайн омонат, онлайн конверсия амалиёти,

"Вақф" хайрия жамоат фонди учун вақф тўловлари, нотириус хизматлари каби бошқа бир қатор тўловларни амалга оширишлари мумкин.

Интернет тармоғи ҳамда мобил телефон орқали банк хизматларидан фойдаланиш аҳолини ушбу хизматларга бўлган қизиқиши ва ишончини ортириб, бир қатор қулайликлар яратмоқда. Хусусан, мижозларда ушбу иловага уланишда имкониятлар яратиш учун филиаллар ҳудудларига текин Wi-Fi зоналари ташкил этилган.

Шунингдек, тадбирда таъкидланишича белгиланган режага кўра, 2018 йилда 300 та замонавий банккомат келтирилиб, банккоматлар тармоғи 400 тага етказилган. Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида ҳудудларда аҳоли гавжум жойлари ва банк ҳудудлари танлаб олиниб, 120 та туну кун хизмат кўрсатувчи (АТМ 24/7) шохобчалари фаолияти йўлга қўйилди. Бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида яна мингдан ортқ банккоматлар ўрнатиш режалаштирилган.

Рустам ПЎЛАТОВ

ЎЗМИЛЛИЙБАНК: МАҚСАД БАНК ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Шундан сўнг Ўзмиллийбанк бўлим ва филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Шоназар Раимбергенов йиғилганларга банк томонидан аҳолига қулай хизматларни ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

Таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сонли "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан Ўзмиллийбанк томонидан республикамизда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда банкнинг филиаллари умумий сони республика бўйича 90 та банк хизмат кўрсатиш марказлари 41 тани ташкил этади. Мазкур марказларда ўз ўзига хизмат кўрсатувчи автоматлаштирилган замонавий банк ускуналари ўрнатилиб кеча-ю кундуз хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Бу мини-банклар кунига 300 тагача мижозга коммунал тўловлар, омонат операциялари, тезкор пул ўтказмалари, кредит расмийлаштириш, миллий сўм ва хорижий пластик карточкаларини расмийлаштириш, валюта айирбошлаш ва бошқа операцияларни амалга ошириш мумкин.

Айни дамда Тошкент шаҳри ҳудудига Ўзмиллийбанкнинг 16 та филиали ва 15 та махсус касса ва 21 та валюта айирбошлаш шохобчалари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Мавжуд филиал ва минибанклар тармоқларидан ташқари аҳолига яқин ҳудудларда банк хизматларини ташкил этиш мақсадида Тошкент шаҳри туманларида жорий йилнинг охиригача ойининг ўзида 6 та "Банк хизматлари кўрсатиш марказлари"ни (мини-банклар) ишга туширди.



Эътиборли жиҳати, мазкур марказлар иқтисодий жиҳатдан самараси юқори, замон талабига мос равишда таъмирланиб жиҳозланган ва энг асосийси, мижозлар учун қулай бўлган аҳоли гавжум ҳудудларда жойлашган.

– Пойтахтимизда иш бошлаган мазкур хизмат кўрсатиш марказлари биринчи кундан оқ кўлаб мижозларни қабул қилишди. Биргина Мирзо Улуғбек туманидаги "Наврўз" минибанкининг ишга тушган кунининг ўзида бир неча маротаба хорижий пул ўтказмалари амалга оширилиб, бошқа турдаги банк хизматлари ҳам кўрсатилган. Бу каби сўзларни бошқа мини-банкларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Жорий йил якунига қадар эса мазкур марказларни Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоятларимиз ҳудудларида 19 та, Тошкент шаҳар ҳудудига яна 6 та очил режалаштирилган.

Шунингдек, тадбирда банк томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида тизимни замонавий технологиялар билан

қайта таъминлаш, АКТ кенг жорий этиш борасида сўз бориб, йил охирига қадар техник ишлар якунига етгач банк хизматларини кўрсатиш бир неча баробар тезлашиши таъкидланди. Шу билан бирга мижозларнинг мурожаатлари қабул қилиш учун "Call-center" марказлари ташкил этилаётгани ҳақида ҳам маълумот берилди. Бундан ташқари, барча банк филиаллари ва минибанкларда хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида аноним тарзда мониторинг ишлари олиб борилаётгани қайд этилди.

Анжуманда Ўзмиллийбанкнинг Давлат дастурларининг кредитлаш ва молиялаштириш департаменти директори Дилмурод Саидов ҳам сўз олиб, банк томонидан давлат дастурларини кредитлаш ва молиялаштириш бўйича Ўзмиллийбанк томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида қисқача маълумот берди.

Жумладан, республикаимиз ҳудудларида қишлоқ жойларда қурилаётган наъмунавий уй-жойлар қури-

лиши бўйича 2019 йилги Дастурга асосан, жами 2601 та уй-жойлар қурилиши режалаштирилган бўлиб, шу кунга қадар 55,9 млрд. сўмлик кредит ажратилган.

Мактабгача таълим масканларини қуриш бўйича эса Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманларида Ўзмиллийбанк томонидан 171 та хусусий боғча қуриш ва Сурхондарё вилоятида жами 242 та хусусий боғчалар қурилишини молиялаштириш режалаштирилган. 1 июль ҳолатига кўра, Сурхондарё вилояти бўйича 143 та МТМга 175 млрд. сўм кредит маблағлари тўлиқ ажратилган. Фарғона вилоятида эса 32 та МТМга 34,6 млрд.сўмлик молиявий кўмак берилган.

Шунингдек, банк томонидан давлат дастурлари доирасида 2017-2019 йиллар давомида республика ҳудудлари бўйлаб 46 та деҳқон бозорларини қуриш ишлари амалга оширилиши баробарида "Обод қишлоқ" Дастурига асосан, республикаимиз бўйлаб 368 та маҳаллада "Корзинка" типидagi минимаркетлар ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга замонавий кинотеатрларни барпо этиш ҳам банк зиммасидаги муҳим вазифалардан бири саналади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан республикаимизнинг шаҳар ва туманларида жами 50 та (шундан, 15 та 1 қаватли, 24 та 2 қаватли ва 11 та ёзги очик) замонавий кинотеатрларни барпо этиш, шунингдек, 2 та кўчма киномобил (автотеатрларда) харид қилиш бўйича вазифа юклатилган. Айни дамда 9 та кинотеатр қуриб битказилган бўлиб, яна 25 тасида қурилиш ишлар давом этмоқда. Мазкур йўналиш учун банк томонидан 47,5 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган.

Анжуман сўнггида журналистлар ва банк мутахассислари ўртасида қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Бобур МУҲАММАДИЕВ

СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИБ...

(Бошланиши 1-саҳифада)

"Ўзгросуғурта" АЖнинг ўтказилган йиғилишида суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилиб, бу борада бир қатор топшириқлар белгилаб берилган эди. Хусусан, Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта нazorати давлат инспекциясини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда тубдан ислоҳ қилиш ва Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигини ташкил этиш ҳамда бундан мақсад эса, суғурта соҳасини ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, 2022 йилгача аҳоли жон бундан тўғри келадиган суғурта мукофоти ҳажмини 3 баравар, соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини эса 2 баравар ошириш, суғурта давволарини кўриб чиқиш муддатлари ва ҳужжатларини қисқартириш, суғурта ҳодисасини адолатли баҳолаш ва тўловларни тезкор тўлаш тизимини жорий қилиш,

миллий суғурта компанияларининг халқаро молия бозорларига чиқишини таъминлаш, илғор корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиш орқали халқаро рейтинглар олиш кабиларни амалга ошириш эди.

Айни дамда мазкур белгилаб берилган вазифаларни муҳокама этиш ва таклифлар ишлаб чиқиш бўйича ўнта ишчи гуруҳлари ташкил этилган.

Шунингдек, "Ўзгросуғурта" АЖнинг Ишчи гуруҳи йиғилишида кун тартибига киритилган масалаларнинг барчаси чуқур муҳокама қилинди. Мазкур ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилаётган вазифалар юзасидан "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди ҳамда берилган таклифлар муҳокама этилди. Умумлаштирилган таҳлилий материаллар лойиҳалари атрофича кўриб чиқилиб, уларни маромига етказиш бўйича келишиб олинди.

finance.uz

UZCARD ЎСИШДА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ягона Умумреспублика Процессинг Марказининг (ЯУПМ) статистик маълумотларига биноан, 2019 йилнинг 2-чорақ натижалари бўйича қатор кўрсаткичлар барқарор ўсишни намойён этди.



Жорий йилнинг 1-чорагида электрон тижорат орқали амалга оширилган транзакциялар сони 75,39 млн.ни ташкил этиб, 2019 йилнинг ўтган 1-чорагида белгиланган 73,78 млн.лик ҳолатига нисбатан 1,61 млн. сўм фарқ билан 2,2% лик ўсишни қайд этди.

2019 йилнинг 1-чорагида электрон тижорат бўйича амалга оширилган транзакцияларнинг жами миқдори 3 515 570 млн. сўмни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2019 йилнинг 1-чорагида қайд этилган 2 516 316 млн. сўмга нисбатан 999 254 млн. сўм фарқ билан 13,9% лик ўсишни кўрсатмоқда.

Жорий йилнинг 2-чорагида POS-терминаллар орқали амалга оширилган умумий транзакциялар сони 135,38 млн. тани, миқдорда эса 19 737 751 млн. сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг 1-чорақдаги ҳолатига нисбатан 2,7% лик ёки 15 166 740 млн. сўмлик фарқ билан ўсишни намойён этди.

Ушбу чорақда АТМ қурилмалари орқали ўтказилган нақд пул бериш амалиётлари сони 15 181 356 млн.тани, миқдорда эса 6 224 313 млн. сўмни ташкил этди. 2019 йилнинг 1-чорагида АТМ (банкомат) қурилмалари

орқали ўтказилган нақд пул бериш амалиётлари сони 11,3 млн. тани, миқдорда эса 5 939 327 млн. сўмлик ҳолатда 2-чорақ натижаларига кўра 284 986 млн. сўмлик фарқ билан 4,8% ўсиш белгиланди.

ЯУПМнинг статистик маълумотларига таянган ҳолда, муомалага чиқарилган пластик карталарнинг умумий сони жорий йилнинг 2-чорагида 1 069 149 та пластик картани ташкил этган бўлса, 2019 йилнинг 1-чорақдаги 1 052 816 талик ҳолатига нисбатан 963 863 та фарқ билан 1,5% лик ўсиш белгиланди.

Натижада мамлакатимизда фаолият олиб бораётган банклар ўртасида пластик карталар эмиссияси бўйича қуйидаги етакчи учлик аниқланди:

1-ўрин: Xalq banki- 215 370

2-ўрин: Agrobank- 182 375

3-ўрин: Ipoteka bank- 108 237

Бугунги кунга келиб, "SMS-хабарнома" хизматига уланган Uzcard пластик карталар сони 5 742 002 донани ташкил этди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, ЯУПМ мамлакатимизда ўз фаолиятини олиб бораётган 29 та банк ҳамда 40 дан ортиқ тўлов тизимларига процессинг хизматларини кўрсатиб келмоқда.

uzcard.uz

167 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДА БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИ БУЗИЛИШИ ҲОЛАТЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти ўз фаолиятида замонавий ахборот технологиялари ва маълумотлар базасидан кенг фойдаланган ҳолда камерал назоратни амалга ошириш ҳамда бюджет муассасаларида қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш ва бюджет қонунчилигига риоя этилиши устидан молиявий назорат тадбирлари сонини қисқартириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган тизимли ишларни амалга оширмоқда.

НАЗОРАТ

2019 йилнинг 1-ярим йилида Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан Иш режа, Ҳукумат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг топшириқлари асосида 4 299 та давлат молиявий назорати тадбирлари ўтказилиб, унда жами 167 млрд. сўм миқдорида бюджет интизомини бузиш ҳолатлари ва бошқа ноқонуний харажатлар аниқланди.

Назорат тадбирларининг асосий қисми (74,5%) бюджет интизомига риоя этилиши ва маблағларнинг мақсадли фойдаланиши юзасидан ўтказилган бўлиб, назорат тадбирларида аниқланган 54,2 млрд. сўм бюджет интизомини бузиш, пул ва товар моддий бойликлар камомоди ва асоссиз харажатлардан 49,8 млрд. сўми (91,8%) бюджетга тикланиши таъминланди.


Ҳисобот даврида Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги тизимидаги муассасаларда 10,8 млрд. сўм миқдорида молиявий қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, шундан назорат тадбирлари давомида 10,2 млрд. сўми (93%) бюджетга тикланди.

Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги тизимида аниқланган 9 млрд. сўм миқдоридаги қонунбузилиш ҳолатидан 8 млрд. сўми (90%), Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида аниқланган 6 млрд. сўм миқдоридаги қонунбузилиш ҳолатидан 5,7 млрд. сўми (94%) ва Мактабгача таълим вазирлиги тизимида аниқланган 4,3 млрд. сўм миқдоридаги қонунбузилиш ҳолатидан 3,9 млрд. сўми (92%) бюджетга тикланиши таъминланди.

Йирик миқдорда молиявий хато ва камчиликлар Жиззах (9,5 млрд. сўм), Андижон (5,5 млрд. сўм), Сурхондарё (5 млрд. сўм), Самарқанд (4,7 млрд. сўм), Тошкент (4,5 млрд. сўм) вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (6,2 млрд. сўм) аниқланган.

Ҳисобот даврида Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан бюджет харажатлари тўғри режалаштирилиши ҳамда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши юзасидан "Давлат молиясини бошқариш ахборот дастури" ва "UzASBO" дастури маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда 1 810 та бюджет муассасаларида камерал назорат тадбирлари ўтказилди.

Мазкур назорат тадбирига қараб олинган муассасаларнинг 718 тасида 17,6 млрд. сўм миқдорида бюджет қонунчилиги бузилиши ҳолатлари ва бошқа хато-камчиликлар аниқланиб, назорат тадбирлари давомида 8,6 млрд. сўми бюд-



жетга тикланди ва 5,5 млрд. сўм миқдоридаги маблағларнинг асоссиз сарфланишининг олди олинди.

Назорат тадбирларида аниқланган 12,9 млрд. сўм қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 168 та назорат тадбирлари ҳужжатлари тегишли чоралар кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилди.

Ҳисобот даврида бюджет интизоми бузилишига йўл қўйган бюджет ташкилотларининг 154 нафар мансбдор ва маъсул шахсларига белгиланган тартибда 111,5 млн. сўмлик маъмурий жарима қўлланилди.

Шунингдек, бюджет ва бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини меъёрий ҳужжатларга ҳамда аниқ ҳисоб-китоблар асосида режалаштирилиши юзасидан ўтказилган профилактика назорат тадбирларида 22,7 млрд. сўм миқдорида ортиқча режалаштирилган харажатларнинг олди олинди.

Ҳисобот даврида Давлат мақсадли жамғармалар ва бошқа жамғармалар маблағларини мақсадли сарфланиши юзасидан ўтказилган 692 та молиявий назорат тадбирларида 36,6 млрд. сўм миқдорида қонун бузилиш ҳолатлари аниқланиб, шундан 29,8 млрд. сўми тикланиши таъминланди ҳамда 31,5 млрд. сўм миқдоридаги қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 352 та назорат тадбирлари ҳужжатлари қонуний чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилди.

Шунингдек, Ҳукумат кафолати остида жалб қилинган кредитлар маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан ўтказилган 92 та назорат тадбирларида 4,9 млрд. сўм миқдорда ноқонуний харажатларга йўл қўйилганлиги аниқланиб, шундан 3,5 млрд. сўмни тикланиши таъминланди ҳамда 4,6 млрд. сўм қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 81 та назорат тадбирлари ҳужжатлари ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилди.

Давлат молиявий назорати департаменти

ХУШХАБАР

ЯНГИ МИНИ-БАНКЛАР

25 йил давомида мамлакат молия бозорига фаолият юритаётган "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки пойтахтимиз ва республикамиз ҳудудлари бўйлаб фаолият географиясини кенгайтирмоқда.



Жорий йилнинг 10 июлидан Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилояти аҳолисига янада қулайлик яратиш ҳамда хизмат кўрсатиш пунктлари тармоғини кенгайтириш мақсадида Учтепа туманида "Ўрикзор", "Учтепа" ҳамда Гулистон шаҳрида "Гулистон" мини-банклари ўз фаолиятини бошлади.

Мини-банклар жисмоний ва юридик шахслар учун барча турдаги банк хизматларини кўрсатади. Жумладан, улар мутахассислар маслаҳатини олиш, ҳисобрақам очиш ва кредит олиш учун ариза беришлари мумкин бўлади.

"ТРАСТБАНК" ЖАМОАСИ 5-КАРРА ЧЕМПИОН

Жорий йилнинг 13 июль куни Учтепа туманига қарашли Журжоний маҳалласи спорт клубида 2019 йилги "XIV Банклараро Спартакиада-2019" ўйинларининг эркаклар ўртасида волейбол мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақа Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ҳамда тижорат банклари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган 5 та ташаббусни ҳаётга татбиқ этиш, ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, спорт ва жисмоний тарбияни оммалаштириш, банк ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилди.



Беллашувда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган тижорат банкларидан – "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки, "Саноатқурилишбанк", "Ўзмиллийбанк", "Ориент Финанс Банк" ва "Ипотекабанк" ходимларидан ташкил топган жамоалар қатнашди.

XIV Банклараро Спартакиада мусобақалари дастуридан жой олган волейбол турнири жуда қизиқарли ва шиддатли беллашувларга бой тарзда ўтди. Қатнашчилар ушбу спорт турининг юқори техникасини намойиш этиб, мухлислар олқишига сазовор бўлишди.

Умумжамоа ҳисобида III-ўрин "Саноатқурилишбанк" жамоасига, II-ўрин "Ориент финанс банк" жамоасига ва I-ўрин "Трастбанк" жамоаси волейболчи йигитларига насиб қилди. Шуни таъкидлаш жозки, "Трастбанк" жамоаси 5-маротаба I-ўрин шохсупасини эгаллаб келмоқда.

ТАДБИРКОРГА МАДАДКОР ДАСТУР

ҲУДУДЛАРДАН ДАРАКЛАР

Мамлакатимиз Президентининг 2018 йил 7 июндаги "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги ва 2019 йил 7 мартдаги "Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ, бугунги кунда "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки томонидан оилавий бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истигада бўлган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига жами 68 млрд. 630 млн.сўм миқдоридан имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Таъкидлаш жоизки, "Ҳар бир оила – тадбиркор" Давлат дастури ижросини таъминлаш банк жамоасининг диққат марказидаги масалалардан биридир. Унда белгилаб берилган вази-фалардан келиб чиқиб, жорий йилнинг март-июль ойларидан Андижон, Қашқадарё, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида истиқомат қилувчи аҳолини боқимандалик кайфиятидан чиқариш, ўз бизнесини бошлаш истигада бўлган кам таъминланган 2170 нафар жисмоний шахсларга жами 5 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

"Трастбанк" хусусий акциядорлик банкининг Наманган филиали томонидан ҳам мазкур қарорлар ижросини таъминлаш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Вилоятда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш мақсадида, Наманган шаҳрининг 10 та маҳаллаларидан жами 9394 та хонадон бўлиб, "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доира-сида ўз бизнесини бошламоқчи бўлган кам таъминланган оилалар банк кредитлари ҳисобидан қўллаб-қувватланмоқда.

– Қарор ижросини таъминлаш ҳамда Наманган вилояти



аҳолисини тадбиркор қилиш мақсадида филиалимиз томонидан имтиёзли кредит маблағларини ажратиш режалаштирилган, – дейди "Трастбанк" хусусий акциядорлик банкининг Наманган филиали бошқарувчиси Шерзод Мирзаахмедов. – Қолаверса, мутахассисларимиз уйма-уй ҳар бир хонадонга ташриф буюриб, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун яратилган имконият ва шароитлар бўйича атрофлича тушунтириш ишларини амалга оширишмоқда.

– Шу аснода махсус сўровлар ҳам ўтказилиб, аҳолининг тадбиркорликка бўлган қизиқишини кучайтириш мақсадида бизнес-режа ва таъминот ҳужжатларини тайёрлаш бора-сида батафсил маълумотлар берилиб, кредит ажратиш жараёни бўйича кунлик мониторинг қилинмоқда. Хусусан, филиалимиз томонидан Наманган шаҳридаги 9394 та хонадон ўрганилиб, 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига насли қорамолчиликка 935 млн. сўм, қуёнчиликка 97 млн. сўм, асаларичиликка 28 млн. сўм, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тикувчиликка 4 млрд. 209 млн. сўм, хунарамандчиликка 195 млн. сўм, паррандачиликка 65 млн. сўм, балиқчиликка 20 млн. сўм, қуёнчиликни ривожлантириш учун 100 млн. сўм, иссиқхона қурилиши учун 575 млн. сўм, ишлаб чиқариш соҳасини қўллаб-қувватлаш мақсадида 1 млрд. 728 млн. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 328 млн. сўм миқдоридан имтиёзли кредит-

лар ажратилди. Бунинг натижа-сида эса вилоятда 545 та янги иш ўрни яратилишига эришилди, – дейди Ш. Мирзаахмедов.

Шунингдек, вилоят марказида жисмоний шахсларга хизмат сифатини янада яхшилаш мақсадида "Тадбиркорликни ривожлантириш маркази" ҳам ташкил этилган бўлиб, марказ асосан кам таъминланган оилаларни тадбиркорликка жалб қилиш ва консалтинг хизматларини амалга ошириш ишлари билан бевосита шуғулланмоқда.

"Тошбулоқ чорвадор саховати" хусусий корхонаси ходими Абдор Турдиев:

– Жорий йил бошида аҳолига арзон гўшт ва сут маҳсулотларини етказиб бериш ҳамда тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида "Трастбанк"нинг Наманган филиалидан 180 млн. сўм миқдоридан кредит олиб, 18 та наслдор қорамолларни харид қилдик. Бугунги кунда жониворлардан кунига 80-90 литргача сут олинмоқда. Шукрки, фаолиятимиз бир маромда ривожланиб, яхшигина даромад олмақдамиз. Эндиликда банкнинг Наманган филиали билан ҳамкорликни давом эттириб, қорамоллар сонини янада оширишни ният қилганмиз.

Авазхон Самадов – оилавий тадбиркор:

– Оилавий бизнеси-мизни бошлашимизда "Трастбанк"нинг Наманган филиалидан олган 14 млн. 700 минг сўм кредит маблағи кўмак бўлди. Ушбу маблағ эвазига бедана, уларга қафас ва озуқа сотиб олдим. Тадбиркорликни бошлашимда олган 80 дона бедана, бугунги кунга келиб 3800 тага етди. Уларнинг 85 фоизидан кунлик тухум олиш имконияти бор. Мингта беданадан 800-850 та тухум олиш мумкин. Беданаларни парваришда асосан уларга тинчлик яратиш, сувига ва емишига зарур дориворларни қўшиб вақтида эътибор қаратилса, беданалар яхши ривожланиб, ўзидан қўявереди.

Албатта, фурсатдан фойдаланиб, мени оилавий тадбиркор бўлишимда кўмакчи бўлган "Трастбанк"нинг Наманган филиалига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Сабоҳат ҲАЙИТҚОРИЕВА



Бугун замонавий ишбилармонлар қаторида хотин-қизларнинг фаоллиги диққатга сазовор ҳодиса. Табиийки, уларнинг бизнес юритишлари билан боғлиқ барча жараёнларни либераллаштириш, соддалаштириш, кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда Ўзбекистондаги бир қатор молия муассасалари, хусусан, акциядорлик тижорат Халқ банки ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

ФАОЛАЁЛЛАР

Гап шундаки, банк томонидан давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Банк томонидан мазкур ҳужжат асосида бугунги кунга қадар 1 минг 451 лойиҳа ижросига 32,2 миллиард сўмлик кредитлар ажратилгани фикримиз тасдиғидир. Шу билан бирга, банк томонидан яна 89 лойиҳага 4,5 миллиард сўм миқдорида маблағ берилиши маълумланган.

Яқинда эса Халқ банки билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ўртасида хотин-қизларга оилавий ҳамда хусусий тадбиркорликни ташкил этишда имтиёзли кредитлар ажратишни йўлга қўйиш, аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантиришда моддий ва ташкилий қўмак беришда ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида 100 миллиард сўмлик битим имзоланди. Ушбу битим ҳам бу соҳадаги ишларни янада кенгайтиришга тўртта бўлмоқда. Чунки ушбу битимга биноан, Халқ банки уларнинг оила-

вий ва хусусий тадбиркорлигини ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш баробарида, ташкилий қўмак беради. Аниқроғи, шартномага кўра, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 100 миллиард сўм миқдорида очилган кредит линияси Халқ банки томонидан тақдим этилган ресурслар доирасида имтиёзли шартлар асосида ажратилади.

Хўш, бу имтиёзлар нима-лардан иборат?

Аввало, шунга қайд этиш керакки, кредитнинг йиллик фоиз ставкаси 8 фоизни ташкил қилади. Шунингдек, у 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга тақдим қилинади.

Имтиёзли кредитлар фақат хотин-қизларга ва улар ташкил қилган юридик шахсларга тадбиркорликни йўлга қўйиш ёки ривожлантиришга йўналтирилади.



ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАДБИРКОРЛИГИГА 100 МИЛЛИАРД СЎМ

Бунда ресурснинг 50 фоизи қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган хотин-қизлар бизнеси учун берилиши янада эътиборга молик.

Таъкиллаш жоизки, ҳозирги кунда Халқ банки томонидан ижтимоий фаол, ўз бизнес ғоя ва ташаббусига эга аёллар мунтазам қўллаб-қувватланмоқда. Шулардан бири – қорақалпоғистонлик Гулойим Хўжамуродова Нукуснинг энг чекка ҳудудида "Она ва бола" соғломлаштириш марказини очишни мақсад қилганди. Унинг бу нияти банк қўмаги билан рўёбга чиқди. Яъни молия муассасаси марказ учун иншоот қурилишига 300 миллион сўм маблағ берди.

Тадбиркор айлани пайтда бунёдкорлик ишларини бошлаб юрган. Яқин вақт ичида ушбу марказ она ва болаларнинг саломатлигини таъминлаш, қариялар, ногиронлар, умуман, ҳудуд аҳлига инновацион технологиялар ёрдамида хизмат кўрсата бошлайди. Марказ ишга тушгач, 15 дан зиёд кишининг бандлиги таъминланади.



– Шу пайтгача биз яшаб турган ҳудудда битта поликлиника мавжуд эди, – дейди Гулойим Хўжамуродова. – Бу эса 30 минг аҳоли учун етарли эмасди, албатта. Шу боис мазкур марказни қуришни мақсад қилгандик. Мана, орзуимиз рўёбга чиқиш арафасида. Албатта, бунда Халқ банкининг ҳиссаси катта. Бунинг учун молия муассасаси жамоасига миннатдорлик билдирамыз.

Гулойим Хўжамуродова нафақада. Лекин, шунга қарамай, тиним билмайди. Мавжуд муаммоларга беварқ қараб туролмайди. Барпо этилаётган янги марказ ана шундай жонқуярлик самарасидир. Қувонарлиси, юртимизда бундай инсонлар кам эмас. Шундай ташаббускор аёллардан яна бири Дилором Раҳматова бўлиб, у ҳам Халқ банкидан 27 миллион сўмлик кредит олиб хусусий тадбиркорликни йўлга қўйди. Ҳозирги кунда унинг уй шароитида очган тикувчилик цехида 8 нафар аёл меҳнат қилмоқда.

– Очиғи, илгари кредит олишдан кўра, уни қайтаришни ўйлаб, иккиланардим, – дейди тадбиркор. – Чунки кредит, қолаверса, унинг фоизи ҳам оз бўлмаса керак, деган хаёлда эдим-да. Йўқ, аслида бундай эмас экан. Банк ходимлари маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб, кредит олиш ва қайтариш тартиблари, тақдим этилаётган имтиёзлар хусусида тушунча беришгач, бу фикрим бутунлай ўзгарди.

Мана, иш бошлаганимга ҳам ярим йилдан ошди. Меҳнат қилиб, кредитларни ўз вақтида тўлаямиз. Айлани пайтда Халқ банкидан яна кредит олиб, фаолиятимизни кенгайтиришни режалаштириб турибман.

Акциядорлик тижорат Халқ банки тадбиркорларнинг, хусусан, ишбилармон хотин-қизларнинг мана шундай орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлида бор имкониятларини ишга солмоқда. Муҳими, бунинг натижасида ишсизлар ишли бўлиб, рўзгорларга барака кирмоқда, одамларнинг ишбилармонлик қобилияти юзага чиқмоқда.

ЧОРВАЧИЛИК

Мамлакат иқтисодиёти ривожлангани сари тадбиркорларга ҳам янги имкониятлар ва имтиёзлар яратилмоқда. Айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий манбаси ҳисобланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан, чорвачиликни ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Президентини ташаббуси билан ҳар бир ҳудудда йирик чорвачилик комплексларининг ташкил этилиши бу борадаги ишларни янада самарали бўлишига замин яратяпти.




ИМТИЁЗ САМАРАЛАРИ

– Бундан саккиз йил олдин 19 бош жайдари қорамол билан иш бошлаган эдик, – дейди Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги чорвачиликка ихтисослашган "Ғуломжон" фермер хўжалиги раҳбари З.Отабоева. – Ўтган даврда Халқ банкининг имтиёзли кредитлари эвазига Германия ва Австриядан 160 бош насли голштин зотли қорамол олиб келдик. Бугун уларнинг сони 465 бошга етди. Албатта бундай ўсишда Халқ банкининг молиявий қўмаги бизга асқатди. Бугунги кунда фермер хўжалиги кунига икки тонна сут ишлаб чиқариб, шундан 1,5 тоннасини қайта ишлаш корхонасига топширади. Шу билан бирга аҳоли эҳтиёжи учун арзон нархларда гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб беришни ҳам йўлга қўйган.

Айлани дамда "Ғуломжон" фермер хўжалиги вилоятдаги энг йирик чорвачилик йўналишидаги хўжаликлардан бири сифатида тилга олинади. Унинг тасарруфидаги қорамоллар 465 бошга етган, шундан 320 тасини Германиядан келтирилган зотдор қорамоллардир. Чорва озукаси учун эса фермер хўжаликка 151 гектар ер майдони ажратилган.

Таъкидлаш лозимки, чорвачилиқдан барака топаётган хўжалик жамоаси фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида яқинда лойиҳа



қиймати бир миллиард сўм бўлган молхона қуриб битказди. Энди шу ернинг ўзида 200 бош қорамол боқилиб, сути соғиб олинади ва шу ернинг ўзида қайта ишланади. Албатта, бу лойиҳа ҳам Халқ банкининг молиявий ёрдамида амалга оширилади.

Сарвар ОЧИЛОВ

Президент 10.07.2019 йилдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни имзолади.

Жарималар – фақат молиявий

Тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ва ходимлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жиноий ва маъмурий жавобгарликдан озод этилиши мумкин. Бунинг учун тадбиркорлик субъекти:

- аниқланган ҳуқуқбузарликни тан олиши;
- солиқ органининг қарорини олган кундан эътиборан 10 кун муддат ичида молиявий жарималарни ихтиёрий равишда тўлаши керак.

ҚҚС – янги қоидалар

2020 йил 1 январдан бошлаб:

- ҚҚСни тўлашга ўтадиган юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар солиқ органларида ушбу солиқнинг тўловчиси сифатида мажбурий ҳисобга олинади ва бу ҚҚС суммасини ҳисобга олишнинг шарти ҳисобланади;
- ҚҚСни тўлашга ўтишда унинг суммаси ҚҚСни тўлашга ўтилган санадан аввалги охириги 12 ойда харид қилинган товар-моддий захира-ларнинг тасдиқланган қолдиқлари бўйича реализация ҳажмига мос ке-

ҚҚС: 2020 йил 1 январдан НИМА ЎЗГАРАДИ


ладиган улушда ҳисобга олинади;

• ҚҚСни тўлашга ўтиш ёки ЯСТни тўлашни рад этиш тўғрисидаги хабарнома ҚҚСни тўлашга ўтиладиган ой бошланишидан олдин 10 иш кунидан кечиктирмасдан тақдим этилади. “Tax free”, солиқ кредити ва бошқа топшириқлар

Биринчидан, онлайн-НКМлари чеклари билан тасдиқланган харажатлар бўйича жисмоний шахсларга даромад, мол-мулк ва ер солиқлари бўйича чегирмалар бериш ёки чекларда кўрсатилган қўшилган қиймат солиғининг бир қисmini қайтариб бериш режалаштириляётир. ДСҚ аниқ таклифларни 2 ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритиши лозим. Келаси йилдан бошлаб эса инсофли тадбиркорларни рағбатлантириш ва жамоатчилик назоратини ривожлантириш мақсадида “Чекни талаб қил ва совға ютиб ол” оммавий акцияларини ўтказишни бошлайдилар.

Иккинчидан, Молия вазирлиги ва ДСҚ 3 ой муддатда қуйдагиларга тааллуқли таклифларини Вазирлар Маҳкамасига киритади:

- чет эл фуқаролари томонидан Ўзбекистон чегарасини кесиб ўтишда харид қилинган товарлар



учун тўланган ҚҚСни қайтариш (“Tax free”) тартибини белгилаш;

- солиқлар бўйича тўловларни кейинчалик бўлиб-бўлиб фоизи билан қайтариш орқали камайтиришни назарда тутувчи “инвестициявий солиқ кредитлари” институтини жорий этиш;

• молиявий жарималарни ундиришнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш: қарорни олган кундан бошлаб унинг 50%ини 10 кун давомида ихтиёрий равишда тўлаганда, қолган суммани тўлашдан озод этилади;

• ялпи тушумнинг чегаравий миқдорини сунъий пасайтиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга (бўлиниш, янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва бошқаларга) чек қўйиш. Мазкур


ҳолатлар аниқланганда тўланиши лозим бўлган солиқлар суммасига солиқ органлари тузатиш киритиши ва уларни суд тартибда ундириши мумкин.

Учинчидан, 2019 йил 1 декабрга қадар солиқ ҳисоботини топшириш тизими билан интеграция қилинган Бухгалтерия ҳисобининг ягона ахборот тизимини ишга туширишлари керак. У бухгалтерия ҳисобини амалга ошириш ҳамда солиқ органлари ўртасида реал вақт режимида маълумотлар алмашиш имконини беради. 1.01.2020 йилдан бошлаб бу тизимдан фойдаланувчи тадбиркорлик субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолияти ушбу дастурий маҳсулотни қўллаган даврида текширилмайди.

Тўртинчидан, Транспорт вазирлиги 3 ой муддатда “UzTrans” ягона интерактив ахборот тизими базасида “Юк ташишлар мониторинги” ахборот платформасини ишлаб чиқади. У юк ташувчилар томонидан товарнинг кузатув ҳужжатларини (ҳисобварақ-фактура (инвойс), юк хати ва бошқа ҳужжатларни) рўйхатдан ўтказишни, юк жўнатувчилар ва уни қабул қилиб олувчилар томонидан реал вақт режимида товарлар ҳаракатини мониторинг қилишни таъминлайди. Келаси йил бошидан бошлаб юк ташувчилар томонидан товарнинг кузатув ҳужжатларини ахборот платформасида рўйхатдан ўтказиш мажбурий бўлади.

СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ ҚАНДАЙ ИСЛОҲ ҚИЛИНАЯПТИ?

Президентнинг 2019 йил 10 июлдаги қарори билан Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси тасдиқланди.



Стратегиянинг асосий йўналишлари:

- солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва иқтисодиётда ҳуфиёна айланма даражасини қисқартириш. Солиқ ва солиқ режимларини бирхиллаштириш, маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш, солиқ юқини оптималлаштириш (камайтириш ва бараварлаштириш) назарда тутилмоқда. 2021 йилга келиб ЖШДС тўловчилар 1,5 баравар, ҚҚС, ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи тўловчилар эса 2 баравар кўпайтирилади.

• хизмат кўрсатишга йўналтирилган солиқ хизматларини ривожлантириш. Мазкур йўналишга бир-

ламчи ҳисоб ҳужжатларини рақамлаштириш ва бирхиллаштириш, солиқ ҳисоботлари шакллари соддалаштириш, солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишнинг экстерриториал принципини ва солиқ низола-рини судгача ҳал қилиш тизимини ривожлантириш киритилди.

• солиқ таваккалчиликларини баҳолаш тизимини жорий қилиш ва солиқ ҳисобини такомиллаштириш. Хусусан, солиқ мажбуриятини ихтиёрий бажариш даражасини 90%га етказиш режалаштирилмоқда.

• давлат солиқ хизматлари органи фаолиятини янада такомиллаштириш. Солиқ органларида

бизнес-тахлил (Business Intelligence) тизими, стратегик ва процессуал бошқарув жорий этилади. Солиқ маъмуриятчилиги жараёни автоматлаштирилади.

• давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши курашиш механизмларини ривожлантириш. Бу нуқтаи назардан норматив-ҳуқуқий база, кадрлар сиёсати қайта кўриб чиқилади. Солиқчилар янада очик-ошкора иш олиб борадилар.

Режалаштирилган тадбирлар амалга оширилиши натижасида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар суръати ўсишига, мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги позицияларини яхшилашга эришилади. Солиқларнинг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари бўйича ЯИМ, тушум, қўшилган қийматга нисбатан улуши ўзгаради. Маҳаллий ва хорижий инвесторлар ўртасидаги солиқ имтиёзлари ва преференциялар нумутаносиблиги бартараф этилади. Асосийси, солиқ текширувлари сони қисқаради, назорат тадбирлари натижасида қўшимча ҳисобланган солиқлар миқдори пасаяди.

Президент 10 июль кuni суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш масалалари бўйича йиғилишда шундай вазифа қўйди.

2022 ЙИЛГА КЕЛИБ СУВУРТА СОҲАСИНИНГ ЯИМДАГИ УЛУШИ ИККИ БАРАВАР ОШАДИ

Суғурта хизматлари иқтисодиётни турли хил молиявий хатарлардан ҳимоя қилувчи воситалардан бирidir. Бироқ мамлакатимиз молия бозорида бу хизматларнинг ўрни ҳозирча катта эмас. Ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидagi улуши атиги 0,4%ни ташкил этмоқда. Қиёс учун: бу кўрсаткич Жанубий Кореяда 11%, Германияда 6%, Россияда 1,5%ни ташкил этади.

Соҳадаги муаммолардан бири - суғурта хизматлари етарли даражада жозибадор эмаслиги. Чунончи, ўтган олти ойда 887 млрд сўм суғурта мукофоти йиғилган бўлса-да, тўланган суғурта қопламасининг ҳажми мукофотнинг атиги 11%ига тўғри келган. Дунёда эса бу кўрсаткич ўртача 50-60%дир.


Йиғилишда Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигини ташкил этиш, Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекциясини эса тугатиш таклиф қилинди.

Мутасаддиларга суғурта соҳасини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, 2022 йилгача аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти ҳажмининг 3 баравар, соҳанинг ЯИМдаги улушини эса 2 баравар ошириш вазифаси қўйилди. Молия вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасига суғурта дав-воларини кўриб чиқиш муддатлари ва ҳужжатларини қисқартириш, суғурта ҳодисасини адолатли баҳолаш ва тўловларни тезкор тўлаш тизимини жорий қилиш вазифаси топширилди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, мажбурий тиббий суғурта тизимига пухта тайёргарлик кўриш ва тиббий хизматларнинг минимал ижтимоий пакетини шакллантириш кераклигини таъкидлади.

АҚШ ИҚТИСОДИЁТИГА БИР НАЗАР

Маълумки, сўнгги юз йиллик давомида Қўшма Штатлар жаҳоннинг иқтисодий йирик давлатларидан бири бўлиб келмоқда.



ЯИМ кўрсаткичи бўйича жаҳоннинг етакчилигидан тортиб мустақкам фонд биржаларига эга бўлиш орқали АҚШ бозори бошқа мамлакатларнинг кузатув объектига айланди.

Айни пайтда кузатилаётган рекорд даражадаги иқтисодий ўсиш суръатидан тортиб унинг йирик штатларидан бири Калифорниянинг ҳайратланарли ЯИМ кўрсаткичи кўпчилиқ учун қизик бўлса керак.

АҚШ ТАРИХИДАГИ ЭНГ САЛМОҚЛИ ЎСИШ КУЗАТИЛМОҚДА

Ўтган йили май ойида АҚШ иқтисодиёти қарийб саккиз йиллик иқтисодий ўсиш суръати билан мамлакат тарихида ҳажми бўйича дунё давлатлари орасида иккинчи ўринни эгаллади. Бу эса Буюк рецессиядан кейинги секин, аммо мустақкам ўсиш сифатида баҳоланди.

Агарда иқтисодиёт ҳозирги суръатдагидек ўсишда давом этса, бу билан АҚШдаги энг узоқ муддат давом этган ўсиш дея қайд этилади ва 1991 йилдан 2001 йилга қадар кузатилган суръатни ҳам ортда қолдиради.

АҚШ бу борада Австралиядан ўтиб кетиши учун анчагина ҳаракат қилишига тўғри келади. Айнан мазкур мамлакат ўтган йили иқтисодий ўсишнинг кетма кет кузатилиши бўйича 27 йиллиқни нишонлади.

Бироқ АҚШ 13 йилдан буён реал ЯИМ кўрсаткичи 3 фоизсиз ўсишига эришиб келмоқда.

Қарийб 13 йилдирки, мамлакатда реал ялпи ички маҳсулот ўсиши 3 фоизга ҳам етмай келмоқда. 2018 йилда мазкур кўрсаткич 2,9 фоизни ташкил қилган бўлса, 2005 йилдан буён бу кўрсаткич 3 фоизга етмапти.

Маълумот тариқасида айтиш мумкин, 1934 йилда реал ЯИМ ўсиши жуда жадаллик билан давом этган бўлиб, 10,8 фоизга етганди.

УЙҚУСИЗЛИК АҚШ ИҚТИСОДИЁТИГА ҚИММАТГА ТУШМОҚДА

АҚШда катта ёшдаги аҳолининг учдан бир қисми тўйиб ухламаяпти. Бу эса АҚШга йилига 1,2 миллион ишчи кунни йўқотилиши туфайли 411 миллиард АҚШ доллари "осмонга учиб" кетишига олиб келмоқда.

Тиниқиб ухлаласлик кўплаб омилар туфайли юзга келмоқда, яъни ҳаддан ташқари ҳолдан тойиш, саломатликка путур етиши ёки ҳатто электр маҳсулотларидан кўрилган зарар ҳам бунга сабаб бўлмоқда.

100 000 АҚШ ДОЛЛАРИ ЎРТА ТАБАҚАНИ ОЛИЙ ТАБАҚАДАН АЖРАТИБ ТУРАДИ

2011 йилда 51 фоиз америкаликлар ўрта қатлам вакиллари ташкил этган бўлса, 2016 йилда уларнинг улуши 52 фоизга етди.

Бироқ ўрта қатлам вакиллари билан олий қатлам аҳолининг даромади ўртасидаги фарқ сезиларли даражада ўсди. Ўрта қатлам вакиллари ҳисобланмиш уй ҳўжалиги эгаларининг ўртача йиллик даромади 74 минг АҚШ долларида 78 минг АҚШ долларигача ошди, айни пайтда олий табақа вакиллари йиллик ўртача даромади 172 минг АҚШ долларида 189 минг АҚШ долларига тўғри келмоқда.

ЁШ АВЛОД КЕЛАСИ ЙИЛДА 143 МИЛЛИАРД... САРФЛАШИ МУМКИН

З авлод вакиллари, яъни 1997 йилдан то 2012 йилга қадар бўлган даврда дунёга келган авлод вакиллари келгуси йилда АҚШ истеъмолчиларининг 40 фоизини ташкил қилиши мумкин. Айнан ушбу истеъмолчилар келаси йилда 143 миллиард АҚШ долларилик тўғридан тўғри харажатларни амалга ошириши тахмин қилинмоқда. Бу эса чакана савдо билан шуғулланувчиларнинг бош оғриғига сабаб бўлиши мумкин. Сабаби улар кундан кунга талаби ва диди ўзгариб бораётган ҳамда Интернет ва мобил иловалардан қарамлиги кучайиб бораётган истеъмолчиларни нима қизиқтириши ҳақида жиддий бош қотиришига тўғри келади.

БИР АВТОМОБИЛЬ ЭХТИЁТ ҚИСМИ ЧЕГАРАНИ САККИЗ МАРОТАБА КЕСИБ ЎТАДИ

Америка автомобиль саноатида 30 мингдан ортиқ эхтиёт қисмлардан фойдаланилади ва бу маҳсулотлар Мексика ва Канада чегарасидан саккиз маротаба ўтказилади.

Мексика мамлакатнинг асосий савдо ҳамкори ҳисобланади: АҚШ бу мамлакатга йилига 21,9 миллиард АҚШ долларилик маҳсулотни экспорт қилса, 27,7 миллиард АҚШ долларлик маҳсулотлар импорт қилинади. Бу эса АҚШ жами савдосининг 14,8 фоизи демакдир.

Айни пайтда Канада билан юритилаётган савдо ишлари АҚШ жами савдосининг 13,8 фоизига тенгдир. Канада Американинг 22,6 миллиард АҚШ долларилик маҳсулотини импорт қилса, 23,4 миллиард АҚШ долларилик маҳсулотни экспорт қилиб келмоқда.

Хитойнинг АҚШ савдо айланмасидаги улуши юқоридаги икки мамлакатнинг ўртасидаги натижага тенг: 14,6 фоиз.

КАЛИФОРНИЯ ЯИМ КЎРСАТКИЧИ ЎЗИГА ХОС

Юқорида қайд этилганидек, Аме-

рика Қўшма Штатлари дунёнинг иқтисодиёти ривожланган мамлакатларидан бири бўлиши билан бир қаторда турли хил иқтисодий кўрсаткичга эга 50 та штатлардан иборат мамлакат саналади.

Ушбу штатлардан айримлари ўзининг йирик иқтисодиётига эгалиги билан ажралиб туради. Масалан, Калифорния штати шундай штатлардан бири ҳисобланади. Агарда бу штат ўзининг аҳолисига эга бўлганида ЯИМ кўрсаткичи бўйича дунёнинг бешинчи ўрини эгаллаб, бу борада ҳатто ўтган йили Буюк Британиядек йирик давлатдан-да илгарилаб кетган бўларди.

2,747 триллион АҚШ долларилик ялпи ички маҳсулотига эга Калифорния фақатгина Германия, Япония, Хитой ва АҚШдан ўза олмаслиги мумкин эди.

АҚШ МУДОФАА ТИЗИМИГА ТЕНГСИЗ МИҚДОРДА ПУЛ САРФЛАЙДИГАН МАМЛАКАТ

АҚШ ўзининг энг кўп маблағини миллий мудофаага сарфлаши ҳақида кўпчилигимиз эшитганмиз, ўқиганмиз. Маълум бўлишича, бу ҳақиқат яқин келажакда ўзгармайдиган. АҚШ қуйида номи келтирилаётган етти мамлакатнинг мудофаага сарфлайдиган жами маблағлари билан тенг миқдорда харажат қилади.



Жумладан, бир йилда АҚШ 610 миллиард АҚШ долларини ушбу тизимга сарфлаш орқали Хитой, Россия, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Франция, Буюк Британия ва Япония сингари давлатларнинг бу борадаги жами харажатлари (578 миллиард АҚШ доллари) данда кўп маблағ сарфлайди.

610 миллиард АҚШ доллари жами федерали харажатнинг 15 фоизига тенгдир.

ДАВЛАТ ҚАРЗИ РЕКОРД ДАРАЖАДА

Февраль ойида АҚШ давлат қарзи рекорд даражани ташкил этиб, 22 триллион АҚШ долларига етди.

Эҳтимол, яқин келажакда унинг ҳажми қисқарар, сабаби Конгресснинг Бюджет бошқармаси йиллик тақчиллик (дефицит) ўрта ҳисобда 1,2 триллион АҚШ доллари, яъни йиллик ЯИМ кўрсаткичининг 4,4 фоизига тенг бўлишини тахмин қилди.

АҚШ тарихида давлат қарзининг кескин ўсиши ҳолати икки маротаба кузатилган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ва молиявий инқироз давомида.

СПОРТ САНОАТИ САЛОҲИЯТИ 75 МИЛЛАРД ДОЛЛАРГА ТЕНГ

Спорт саноати ҳисоботида қайд этилишича, Шимолий Америка бозори 73,5 миллиард АҚШ долларилик салоҳиятга эга. Бу эса телеканал ва турли хилдаги ОАВда ўз ҳақуқуқига эга бўлишликни назарда тутди.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

Германиянинг йирик молиявий муассасаси бўлган Deutsche Bank яқин 3 йил давомида 18 000 нафар ходимини қисқартириши кутилмоқда. Бу ҳақда душанба кун эълон қилиниб, шу куннинг ўзида Лондондаги бўлимида штат қичқартирилиши бошланди. Ушбу филиалда 3000 нафар мутахассиснинг иш жойи қисқариши мумкин.

Deutsche Bank кенг миқёсдаги бу ўзгаришлар жараёнида турли савдо операцияларидан воз кечади.

Грузия эртанги кун иқтисодиётини кўзлаб янги экологик технологиялар асосида экспортбон маҳсулотлар яратиш тадориғида. Бу мақсадда Кутаиси шаҳрида янги корхона ташкил этилади. Мамлакатнинг майдони бўйича иккинчи йирик шаҳар бўлган Кутаиси эндиликда нафақат маданият ва маърифат маркази, балки электромобил ишлаб чиқариш майдониға айланади. Бу ерда минтақада ва мамлакатда илк экологик технологияларга асосланган саноат корхонаси қурилади. Корхона шаҳар чеккасида 100 гектар майдонни қамрайди. Саноат корхонаси Хитой давлати ҳамкорлигида бунёд этилади. Корхона маҳсулотлари 2020 йилда сотувга чиқарилади.


АҚШнинг Куба давлатига эълон қилган янги санкцияси туфайли ушбу мамлакат 100 минглаб сайёҳларни йўқотади. Бу хабарлар Куба туризм вазирлиги томонидан билдирилмоқда. Жорий йилнинг июнида туристлар сони 20 фоизга қисқарган.

Сўнгги йилларда мамлакат туризм секторда ўсиш суръати кузатилиб, сайёҳлар сони ошган эди. Туризм вазирлиги бугунги кунда сайёҳлар сонининг кескин камайишини АҚШнинг янги санкциясида кўрмоқда.

4 июнда АҚШ маъмурияти таълим йўналишидаги гуруҳнинг Кубага боришини тақиқлади, шунингдек, хусусий самолёт ҳамда денгиз лайнерларидаги саёҳатларни чегаралади. АҚШ давлат департаменти Куба билан ҳамкорлик қилувчи бошқа чет эл компанияларига ҳам санкция эълон қилишини маълум қилди.

QQB | 25 йил

QISHLOQQURILISHBANK



миллий
валютадаги
муддатли
«Юбилей»
омонатини
таклиф этамиз.

Омонатга маблағлар:

- 2019 йилнинг 2 августигача;
- 25 ойга қабул қилинади.

Омонатнинг юқори миқдори — 25 000 000 сўм.

Омонат фоизи — йиллик 22 %.

Ҳисобланган фоиз тўловлар ҳар ойда амалга оширилади.

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Тел. 78-150-72-58, 78-150-93-39.

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

ХУШХАБАР

ҚИММАТБАҲО
ҚОҒОЗЛАР
МУОМАЛАГА
ЧИҚАРИЛДИ

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ 50,0 млрд. сўмлик янги хусусий корпоратив облигация (қимматбаҳо қағоз) ларни сотувга чиқарди. Қимматбаҳо қоғозларни муомалага чиқариш Ўзбекистон бозорида эксклюзив лойиҳа бўлиб, бу тадбир орқали банкнинг мижозлари кўпайиши мумкин.

Шунингдек 15 июль куни “ASIA ALLIANCE BANK” Туркиянинг Aktif Yatirim Bankasi A.S. банки билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди.

Банк ахборот хизмати

ҚУРИЛИШ
МАТЕРИАЛЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Нукус шаҳридаги “Mustanab Xilol” масъулияти чекланган жамияти томонидан маиший чиқиндилардан қурилиш материалларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Лойиҳани амалга ошириш доирасида “Mustanab Xilol” масъулияти чекланган жамияти томонидан Нукус шаҳридаги “Қурувчи” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида кўп қаватли уйлар аҳолисига хизмат кўрсатувчи чиқиндихона барпо этилди.

Лойиҳанинг амалга оширилиши кўп қаватли уйлар аҳолисининг, айниқса, ёшларнинг тиббий, экологик маданиятини оширишга, атроф-муҳит тозаллигини сақлашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, икки киши доимий иш билан таъминланди.

ЎЗА

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР
Ўктам АБДУЛЛАЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ
Бобур МУҲАММАДИЕВ

Реклама ва маркетинг хизмати
Тел: 99897 776 60 18
71 232 45 32
Факс: 71 232 43 98
Нашр индекси-102.

Ахборот кўмаги
ЎЗА, “Norma Hamkor” МЧЖ

Таҳририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси,
23-уй e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
www.banknews.uz телеграм каналимиз
@bank_axborotnomasi
Чоп этишга тайёрловчи: “Moliya yangiliklari agentligi”
МЧЖ

Газета таҳририятнинг техник ускуналарида
саҳифаланди.

Таҳририятнинг факат ёзма розилиги билан “Банк ахборотномаси” да эълон қилинган материалларни қўчириб босишга ижозат берилади. Қўлёзмалар такрир қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба куни чиқади.

Буюртма № 703
Адади 1821 нуска

Нархи шартнома асосида.

Газета АЗ ҳажмда, 2 шартли босма табокда чоп этилди.
Босишга рухсат этилди: 17.06.2019 й.,

1 2 3 4 5

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.